

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мўминов Зокир Шавкат ўғли,
ТМИ PhD мустақил изланувчиси,
e-mail: zokirmuminov@gmail.com

Муминова Парвина Илхом қизи
ТМИ магистранти
e-mail: sayitkulovaparvina@gmail.com

илмий раҳбар: проф. **Мехмонов С.**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва ички назоратини такомиллаштириш бўйича асосий тушунчалар муаммонинг ечими ва таҳлиллари келтирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: бюджет, олий таълим, тўлов қобилияти, контракт тўлови, харажат, халқаро стандартлар, иш ҳақи, стипендия

ABSTRACT

This article presents the main concepts, solutions and analyzes of the problem of improving cost accounting and internal control in budgetary organizations.

Key words: budget, higher education, ability to pay, contract fee, cost, international standards, salary, scholarship

КИРИШ

Маълумки, олий таълим тизимини молиялаштириш бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ҳозирги пайтда олий таълим ташкилотларининг фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг асосий қисмини ўқитиш учун контракт тўловлари ташкил этади, лекин унинг қиймати барча харажатларни тўлиқ қоплай олмайди, унинг ҳажмини белгилашда эса албатта аҳолининг тўлов қобилияти даражаси инобатга олинishi лозим. Демак, мазкур шароитда олий таълим ташкилотлари молиявий маблағлари таркибидаги тадбиркорлик маблағлари улуши ва миқдорини ошириш лозим бўлади. Ваҳоланки, бугунги кунда унинг ҳиссаси олий таълим

тизимини молиялаштиришда ўртача 5 фоизни ташкил этмоқда. Келгусида эса унинг молиялаштириш манбалари таркибидаги улушини 50 фоизга етказиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий назоратни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири мазкур жараёнга бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларини қўллаш масаласи ҳисобланади. Бюджет харажатларини ҳисобга олиб борувчи счетларни туркумлаш натижасида молиялаштириш манбалари, фаолият турлари, йўналишлари, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари, уларнинг моддалари ҳисоб ва назоратнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мослаштирилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан: “Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта қўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича таклиф этилган энг муҳим 16та вазифа унга қўшимча чора тадбирлар куришни”⁵ белгилаб берилганлиги, олий таълимда сифат ва самарадорликни оширишга сезиларли таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 29.07.2020 йилда 2169-5 -сон буйруғига илова қилиб тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқномага мувофиқ 25-“Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” ҳисобварағи ҳисобда қуйидаги субҳисобварақларга бўлинади:⁶

250- «Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 6 ноябрь, ПҚ-4884-сонли Қарори, <http://www.lex.uz>

⁶ «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17-декабр 105-сонли буйруғи. Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрдаги 2169-рақам билан рўйхатга олинган. - Т.: «Saydana-PRINT», 91-92 бетлар.

251- «Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

252- «Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар».

250- «Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субҳисобварағида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субҳисобварақнинг дебитида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 251- «Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субҳисобварағи кредитланади.

Субҳисобварақ кредитида эса, йил мобайнида ҳисобланган таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда, 252- «Таълим ташкилотларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субҳисобварағи дебетланади. Бироқ, бу ҳисобварақларда тадбиркорлик ва таълим хизматлари бўйича даромадлар, харажатлар ва молиявий натижалар ўз аксини топмай қолган.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий норматив ҳужжатлар тадқиқот учун назарий-методологик манба, кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик, мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс ёндашув каби усуллари таянилади.

НАТИЖАЛАР

Таълим фаолиятини амалга ошириш харажатлари молиявий назоратни, хусусан ички аудитни ташкил этишдаги муҳим масала - бу таълим хизматлари қийматининг амалдаги харажатларини ҳисоблаш тартибига риоя этилаётганлигини назорат қилиш ҳисобланади.

$$T_{\text{ХК}} = I_{\text{СА}} + Ж_{\text{Х}} + P_{\text{Х}}^7 \quad (1)$$

Бунда: $T_{\text{ХК}}$ – таълим хизматларини қиймати;

$I_{\text{СА}}$ – профессор-ўқитувчилари ва холимларининг иш ҳақлари, стипендиялар ва иш ҳақидан ажратмалар;

⁷ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 16-бет.

Жх–таълим ташкилотларининг жорий харажатлари (сарф харажатлари, коммунал тўловлар, ахборот-алоқа воситаларига тўловлар, хўжалик харажатлари, биноларни сақлаш харажатлари, ўқитиш билан боғлиқ бошқа харажатлар);

Рх– таълим ташкилотини моддий-техник базасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар.

Мазкур формулани шартли рақамлар асосида қуйидагича ҳисоблаймиз.

$$T_{\text{ХК}} = (506,0 + 126,5 + 126,0) + (113,7 + 76,0) = 948,2 \text{ минг сўм}$$

Давлат таълим ташкилотлари, нодавлат бюджет таълим ташкилотларидан фарқли равишда таълим хизматлари қийматини аниқлаш учун методик базага эга. Масалан, олий ва ўрта касбий таълим ташкилотларини молиялаштириш нормативларини ҳисоб-китоб қилиш методикаси бўйича таълим хизматларининг қиймати (**Ц**) қуйидаги формула орқали аниқлаш тавсия этилган:

$$C = T + I + P, \quad (2)$$

T - жорий харажатлар (ўқитувчилар ва таълим ташкилотси бошқа ходимларнинг иш ҳақлари, стипендиялар, ўқув ва хўжалик харажатлари);

I - асосий воситалар ва номоддий активларни тўлиқ қайта тиклашга ажратмалар, асосий фондларни капитал таъмирлаш харажатлари;

P - ривожлантириш учун харажатлар, капитал қурилиш қўшилган ҳолда.

Биз таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг қуйидаги методларини таклиф этамиз:

Даставвал кейин таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг ўқитишнинг солиштирилаётган даврида 1 шартномага тўғри келувчи суммани аниқлаш зарур.

$$P_p = Z / P, \quad (3)$$

Бу ерда:

P_p - ўқитишнинг солиштира давридаги таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг 1 шартномага тўғри келувчи харажатлар суммаси;

Z - таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун йиллик режавий харажатлари

P - барча шартномалар бўйича ўқитишнинг солиштира даврларининг қўшилган (умумий) миқдори (хафта, ой ва ҳоказо);

Кейинги босқичда (**P**) кўрсаткичнинг ўқиш учун шартномаларнинг ҳар бир турига тўғри келувчи харажатлар суммасини аниқлаш зарур.

$$P_n = P_p * p_n, \quad (4)$$

Бу ерда:

P_n - № n мутахассислиги бўйича таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг 1 шартномага тўғри келувчи харажатлар суммаси;

P_p - ўқитишнинг солиштирма давридаги таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг 1 шартномага тўғри келувчи харажатлар суммаси;

p_n - № n мутахассислик бўйича ўқитишнинг солиштирма даврлари (хафта, ой, семестр ва ҳоказо)

МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда молия вазирлиги томонидан бюджет ташкилотлари фаолиятига жорий этиш учун бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлар тавсия қилинган ва улар амалиётда қўлланилмоқда.

Фикримизча, амалдаги счетлар режасидаги 86-«Мақсадли молиялаштириш» счетининг тузилмасини таълим тизимидаги бюджет ташкилотларини молиялаштириш хусусиятларига мослаштириш яъни алоҳида счетларда молиялаштириш манбаларини тегишли турини акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда олий таълим ташкилотларининг фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг асосий қисмини ўқитиш учун контракт тўловлари ташкил этади, лекин унинг қиймати барча харажатларни тўлиқ қоплай олмайди, унинг ҳажмини белгилашда эса албатта аҳолининг тўлов қобилияти даражаси инобатга олинishi лозим. Демак, мазкур шароитда олий таълим ташкилотлари молиявий маблағлари таркибидаги тадбиркорлик маблағлари улуши ва миқдорини ошириш лозим бўлади. Ваҳоланки, бугунги кунда унинг ҳиссаси олий таълим тизимини молиялаштиришда ўртача 5 фоизни ташкил этмоқда. Келгусида эса унинг молиялаштириш манбалари таркибидаги улушини 50 фоизга етказиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимидаги бюджет ташкилотлари ресурсларидан самарали фойдаланиш аввало харажатларнинг оптимал ҳажмини белгилаш орқали кутилган натижага эришишга олиб келади. Бунинг учун олий таълим ташкилотларига бюджет маблағларини молиялаштиришнинг ўрта муддатли - уч йиллик тизимини жорий қилиш ва уларга кузатилаётган мақсад кутилаётган натижадан келиб чиқиб, харажатлар таркибини белгилашда эркинлик бериш механизми таклиф этилади.

Хусусан, олий таълим ташкилотининг тадбиркорликдан олинган даромадлардан профессор-ўқитувчиларга иш ҳақи тўлашда барча солиқ ва ажратмаларни 10 фоизгача камайтириш тадбиркорлик маблағларини кескин ошиши ва профессор-ўқитувчиларни манзилли ижтимоий ҳимоялашга ва олий таълим ташкилотини моддий-техника базасини ривожлантиришга имконият яратади.

ХУЛОСА

Бюджет муассасасида молиявий назоратни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири мазкур жараёнга бухгалтерия ҳисоби ва давлат аудитининг миллий стандартларини қўллаш, бюджет харажатларини ҳисобга олиб боровчи ҳисобварақларни туркумлаш натижасида молиялаштириш манбалари, фаолият турлари, йўналишлари, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари миллий ва халқаро стандартларни ўзаро мослаштириш жараёни содир бўлади. Шу муносабат билан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини комплекс тарзда қўллаш, олий таълим муассасалари харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар туркумини амалиётга жорий этиш таклиф этилади.

Олий таълим муассасаларининг молиявий механизмини такомиллаштириш, уларга инвестицияларни жалб этиш мақсадида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий фуқароларга ўзларининг пул ва натура кўринишидаги қўйилмаларини солиқ ва йиғимлардан озод қилишнинг махсус тизими давлат томонидан жорий қилиниши таклиф этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 6 ноябрь, ПҚ-4884-сонли Қарори, <http://www.lex.uz>
2. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17-декабр 105-сонли буйруғи. Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрдаги 2169-рақам билан рўйхатга олинган.- Т.: «Saydana-PRINT», 91-92 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. (2016 йил 13 апрелдаги янги таҳрири).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» Қонуни (янги таҳрири) 25.02.2021 yildagi O'RQ-677-son

5. Остонакулов М. Последние изменения в бухгалтерском учете бюджетных организаций. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2017.
6. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби.–Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2017, 472б.
7. Мехмонов С.У. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2012.
8. Мехмонов С., Убайдуллаев Д. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2013.
9. www.gov.uz
10. www.mf.uz
11. www.nabaa.uz
12. www.finansist.uz
13. www.dissertation.com
14. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
15. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
16. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)